

**ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИ: 2017-2021 ЙИЛЛАРГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ДОИРАСИДА
ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР**

*Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, и.ф.д. Валиев Б.Б.*

Аннотация. Мақола Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш натижасида иқтисодиётда эришилган таркибий ўзгаришлар янги тарихини очиб беришга бағишланган. Унда ҳар йили иқтисодиётни ривожлантириш, давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариб бориши, инсон манфаатларининг таъминланиши, ишлаб чиқариш муносабатларидаги ислохотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, иқтисодий тарих, Ҳаракатлар стратегияси, таркибий ўзгариш, иқтисодий эркинлик, давлат аралашуви, аҳоли даромади, иқтисодий ўсиш, яширин иқтисодиёт, тадбиркорлик, халқ манфаати

*Профессор Университета общественной
безопасности, д.э.н. Валиев Б.Б.*

**НОВАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА:
СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В РАМКАХ «СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ»
НА 2017-2021 ГОДЫ**

Аннотация. Статья посвящена раскрытию новой истории структурных изменений, достигнутых в экономике в результате реализации «Стратегии действий» в Узбекистане в 2017-2021 годах. В нем освещаются вопросы ежегодного экономического развития, изменения государственной экономической политики, обеспечения интересов человека, реформирования производственных отношений.

Ключевые слова: Узбекистан, экономическая история, Стратегия действий, структурные изменения, экономическая свобода, государственное вмешательство, доходы населения, экономический рост, теневая экономика, предпринимательство, интерес народа

*Professor of the University of Public
Safety, d.e.s. Valiyev B.B.*

NEW ECONOMIC HISTORY OF UZBEKISTAN: STRUCTURAL CHANGES WITHIN THE FRAMEWORK OF “STRATEGY OF ACTIONS” FOR 2017-2021 YEARS

Annotation. The article is about the discovery of the new history of structural changes, achievements and economic results and the implementation of the “Strategy of actions” in 2017-2021. Annual economic development, changes in state economic policy, provision of human interests, production relations reforms are illuminated.


Key words. Uzbekistan, economic history, Strategy of actions, structural changes, economic freedom, governmental intervention, national income, economic growth, shadow economy, entrepreneurship, national interest

Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ривожланиш тарихининг муҳим хусусиятларидан бири бу миллий иқтисодиётни диверсификациялаш ва ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор берилгани бўлди. Иқтисодиётни диверсификациялаш деганда аввало ишлаб чиқариш кучларини янгилаш, товар ва хизматларнинг хилма-хиллигини ошириш, бозор иқтисодиётининг янги қонуниятларини жорий қилиш, иқтисодиётда янги тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш, тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш орқали янги юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш жараёни тушунилади.

Қуйида янги иқтисодий тарих сифатида 2017-2021 йилларда миллий иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва уларнинг натижаларига эътибор қаратамиз. Ўзбекистоннинг янги иқтисодий тарихи аввало макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилди. Жумладан, 2016 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги давлат раҳбарининг нутқида айнан миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш зарурияти қайд этилган эди¹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми йиллик ўсиш суръати ўртача 5,1 фоизни ташкил этиб, барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлди. Ушбу даврда кузатилган глобал пандемия, турли геосиёсий жараёнларнинг кескинлашуви, халқаро даражада йирик давлатларнинг ўзаро санкциялари шароитида Ўзбекистон ҳар йили ўз иқтисодий салоҳиятини оширишнинг уддасидан чиқа олди.

¹ Мирзиёев, Шавкат Миромонович, Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 592 б.



1-расм. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари

Бунда барқарор иқтисодий ўсишга миллий иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига эришилди.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини шакллантиришнинг илк босқичида ҳукумат олдида турган асосий вазифа бу хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақит бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишдан иборат эди. Тадбиркорлик соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етган эди, аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган эди. Аммо, 2017 йилга келиб тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилишига қарамадан, доимий текширишлар, молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатида тадбиркорлар ўз ишини вақтинча тўхтатишга, айрим ҳолларда эса умуман тугатишга мажбур бўлаётган ҳолатлар ҳам мавжуд эди.

Янги иқтисодий ислохотларнинг яна бир муҳим вазифаси сифатида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида аҳамият берилди. Чунки тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Давлатнинг иқтисодий сиёсати «**Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**» деган тамойилга асосланди. Шунинг учун Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш - давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланди.

Иқтисодиётни диверсификация қилишда танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни - бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар

фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши давлат раҳбари томонидан талаб қилина бошланган эди. Ана шу талабни, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда энг асосий устувор вазифа - «**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**» Давлат дастурини амалга ошириш, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлди².

2017 йил 2 февраль Янги Ўзбекистон иқтисодий тарихида муҳим воқеа бўлди. Ушбу кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони билан **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** тасдиқланди. Унинг учинчи устувор йўналиши Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга бағишланган эди. Унда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди. Шунингдек, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш бўйича ҳам мақсадлар қўйилган.

2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлди, мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарор халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилина бошланди. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя устувор мақсадга айланди. Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

² Шавкат Миромонович Мирзиёев, Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжапланган иқтисодай дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза.

Янги Ўзбекистон иқтисодий тарихида фаол тадбиркор сифатида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар тушунила бошланди. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифа сифатида қаралди. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб берилди.

Янги Ўзбекистонда **2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”** деб эълон қилинди. Ушбу йилда фаол тадбиркорликни ривожлантириш давлатнинг эътибор марказида бўлди. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди. Ҳануз тадбиркорларни асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп эди, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига давлат идоралари йўл қўймаётган эди. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-таомиллар ҳамон сақланиб қолиб, жойларда кўпгина амалдорлар ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрган ҳолатлар ҳам мавжуд эди.

Шунинг учун давлат раҳбари бозор иқтисодиётининг талабларига риоя қилган ҳолда ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши учун шароитлар ярата бошлади. Яккаҳокимликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги таъкидланиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга импорт қилиш фақат айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб қолишининг олди олина бошланди. Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатларига барҳам бериш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Бу масалада ҳаммага тенг шароит яратилди. Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берила бошланди.

Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда турган. Айтайлик, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, Ўзбекистонда бунга 1 ойлаб муддат сарфланарди. Мамлакатимиз ҳудудининг ўзида битта юк бир неча марта текширилиши керак эди. Шу боисдан ҳам 2018 йилдан бошлаб давлатимизда божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширила бошланди. Бу ҳам давлат ресурсларини, ҳам тадбиркорларнинг вақтини тежади. Тадбиркорлик субъектлари учун божхона

кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлақлар орқали ўтказиш янги тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилди. Бош прокурор бошчилигида назорат қилувчи органлар раҳбарлари ҳар ойда намунали, фаол тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни қийнаётган муаммоларни эшитиш, қонуний фаолиятига тўсқинлик қилаётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб борди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатаси фаоллиги ошди. Бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишлар жадаллашди. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилди бошланди. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтилди.

2018 йилда **“Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”** каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпдир. **«Обод қишлоқ»** ва **«Обод маҳалла»** дастурлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилиб, 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди.

Келгуси йилларда Янги Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш вазифаси кўндаланг турган эди. Шу боисдан, **2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилиб**, инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришила бошланди. Очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш, валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни

рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда эди. 2019 йилдан бошлаб жорий этилган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутар эди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш имкони яратилди. Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастурлар амалиётга жорий этила бошланди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексда мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилди.

2020 йилга келиб мамлакатимизда иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу даврда экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат раҳбари томонидан экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантириш зарурияти алоҳида қайд этилар эди. Шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилишда транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масала эди. Чунки денгизга чиқиш имкониятимиз чеклангани учун маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, “Ўзбекистон Эйрвейс” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари миллий товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратишлари бўйича вазифалар белгиланган эди. Ўзбекистон ҳукумати экспорт юklarини кўшни давлатлардан темир йўл орқали имтиёзли нархларда ўтказиш бўйича музокаралар олиб боришга киришди. Шу билан бирга, Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги индекси”даги мамлакатимиз ўрнини юқори позицияга кўтариш чоралари кўрилди. Бунинг учун эса божхона тартибларини кескин соддалаштириш, божхона назорати пунктлари ҳамда юklarни расмийлаштириш постларини тубдан ислоҳ қилиш зарур эди.

Янги ислоҳотлар даврида аввал эътибор берилмаган соҳа - **туризмни ривожлантириш**, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар амалга оширила бошланди. Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолган эди. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетақрор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият

мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Шу боисдан ҳам 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаш бошланди. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш бўйича вазифлар белгиланди.

Янги ислохотлар шароитида 2019 йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингда 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик. Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди. Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди. Бу эса бошқарув тизими сифатини оширишда **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган асосий тамойилни ҳаётга татбиқ этиш натижаси эди.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш мақсадида **2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб ном берилди. Билимга асосланган иқтисодиётни қуриш учун тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилина бошланди. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этди. Қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш бошланди. Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган “IT-парк” барпо этила бошланди. Бундай “IT-парк”лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилиши белгиланди. **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилди.**

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, 2020 йилда пандемия билан боғлиқ синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Ушбу йилда республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга. Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Юртимизда ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг охириги йили бўлган **2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** деб эълон қилинган. Ушбу йилда мамлакат иқтисодий тараққиётининг замини бўлган илм-фан ва инновацияларга алоҳида эътибор қаратилди. 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 минггага етказилиши ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилиши бўйича натижаларга эришилди. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилган эди. Илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилди. Жумладан, 98 та ихтисослашган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Миллий иқтисодиётда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар жорий этила бошланди. Камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмас эди. Шу боис, таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиш бўйича вазифалар амалга оширилди. 2021 йилдан ишга тушган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатила бошланди.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда 2021 йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилди. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир

шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилди. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилди. Шунингдек, ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон 2017-2021 йилларда “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган иқтисодий ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида чинакам бозор қонуниятлари ишлайдиган ва халқ манфаатларига йўналтирилган иқтисодий тизимни яратиш борасида жиддий қадамлар қўйди. Миллий иқтисодий давлатнинг аралашуви ва таъсирининг босқичма-босқич қисқартирилиши эса иқтисодий таркибий жиҳатдан янгилашишига, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, жаҳон иқтисодиётига фаол қўшилиб боришга, инвестиция ресурсларини кенгрок ўзлаштиришга имкон яратди. Иқтисодий коррупция, буйруқбозлик, давлат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви каби иллатларга жиддий барҳам берилди бошланди. Вилоят ва ҳудудларда ўз салоҳияти, ўсиш нуқталари ва драйвер соҳалардан келиб чиқиб самарали минтақавий иқтисодий сиёсатни юритишга асослар яратилди. Аҳоли даромадлари, ялпи ички маҳсулот ҳажми салмоқли даражада ўсиши натижасида турмуш фаровонлигида ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Шавкат Миромонович Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. - 56 б.
2. Мирзиёев Шавкат Миромонович Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.
3. Мирзиёев Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 592 б.

4. Мирзиёев Шавкат Миромонович Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2017. - 48 б.
5. Мирзиёев Шавкат Миромонович Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2017. - 488 б.